

КҮНГИЛ КҮЧАСИ

(Қисса)

Дала бамисоли зангори кўлга ўхшарди. Пахтазор ва тут қаторлари қир этагига туташиб кетган. Дала ўртасидаги шийпонни тарвақайлаган баҳайбат толлар ўраб олган. Радиоприёмникдан «Олича-ю, олича, ўсмайди ўз холича» кўшиғи янграб турибди.

Ховуздан сув олиб келаётган Далибой кўшиқдан завқланиб кетиб, пақирни ерга қўйди-да, лапанглаб ўйнай бошлади. У энди авжига чиқиб депсинишга тушган эди, «Ҳа, дўст!» деган овоз эшитилди. Далибой қотиб қолди, ошпаз Маткарим бува унга қараб балиқникидай кемшиқ оғзини баралла очиб кулмоқда эди.

— Ихе, ари роса кўпайибди-да, шуни кўриётгандим, — деди Далибой пақирни кўтараркан.

— Ари ҳам бўлагиналарни яхши кўради-да, — деди Маткарим бува. Кейин кула-кула ўчоқ бошига кетди. Ўчоқдаги оловни кучайтирди. — Далибой қозонга қараб тургин. Мен картошка олиб чиқай.

Далибой бош ирғаб ўз иши билан овора бўлди. Самоварга сув тўлатиб, ўтин келтирди. Ўтинга солярка қуйиб олов ёкди. Унгача қозондаги ёғ доғ бўлиб тутай бошлади. Маткарим бува кўринмас эди. Далибой қозонга тикилиб тураверди. Бир пайт «гуп» этиб қозондан аланга кўтарилди. Далибой сакраб тушди ва нима қиларини билмай турган жойида гир-гир айланаётиб, пақирни кўриб қолди-ю, қозонга сув сепди. Вишиллаб ҳаммаёқни буғ қоплади, аланга баттар авж олди. Далибойнинг юз, кўлларига ёғ ва сув сачради. Қоракуяга беланган кўллари билан юзини пана қиламан деб олабужига айланган Далибой энди қочишга тушган эди, ҳалпиллаб Маткарим бува келиб қолди. У аланга ўрлаётган қозонга шартта қопқоқ босди, олов ўчди-қўйди. Маткарим бува кўзини йилтиллаб гарансиб турган Далибойга қаради-да, ўхў-ўхўлаб кулди.

— Далибой, қаёққа йўл олувдинг? Ўт ўчирувчиларни чақиргани эмасми? — деб сўради ошпаз.

— Йўқ, отамни айтиб келмоқчи эдим, — деди Далибой жиддий.

— Оббо, боласи тушмагур-ей! Қопқоқни боссанг-ку, бўлди-я!

— Мен қаёвдан билай, — Далибой лабини осилтириб бурнини тортди. — Энди бошқатдан ёғ қуясизми?

— Йўқ, ёнган ёғнинг овқати ширин бўлади, — деди ошпаз.

Далибой ариқчадан юзини ювиб қўйлагининг этагига артди. Кейин самовар тагига солярка қуйди. Самовар мўрисида қоп-қора тутун кўтарилди. Орадан сал ўтмай, сувчилар нонуштага тўплана бошладилар. Далибой шошилиб алангани баттар ловуллабди. Сувчилар тол тагига ўтириб, дастурхон ёздилар. Далибой самоварнинг тезроқ қайнашини кутиб, атрофида айланаркан, бир машина келиб тўхтади. Машинадан басавлат одам тушиб, сувчилар томон бора бошлади.

— Далибой, амакингнинг кўлига сув қуйивор, — деди қаёқдандир пайдо бўлган бригадир.

Далибой бошини кўтариб, тепасида турган бегона одамни кўрди-ю, довдираб қолди. Меҳмон ювиш учун кўлини Далибой томон чўзганча бригадир билан гаплашарди. Далибой гарансиб соляркали пачоқ тунука чойнакни олди-да, меҳмоннинг кўлига қуйиб юборди.

— Мунча мулойим?.. Ие, расво бўлди-ку! — деди меҳмон.

— Ҳа, ярамас! — Жон ҳолатда бақирди бригадир.

Далибой қилган ишини фахмлагач, бир зум бакрайганча қотди. Кейин шунақанги лапанглаб қочдики, аҳвол қанчалик мушкул бўлмасин, ҳамма беихтиёр

кулиб юборди. Далибой шу қочганча уйига етиб тўхтади. Онасининг саволларига жавоб бермай, ўзини йиғма каравотга гуппа ташлаб ётаверди.

* * *

Кўримсизгина, лекин дов-дарахтларга бурканган ҳовли. Қари, сершоҳ ўрик тагига қуйилган сўрида Хожар опа елпинганча чой ичиб ўтирибди. Далибой каравотда хурракни варанг қўйиб ухляпти. Шу пайт кўча эшик тарақлаб очилди-да қўлтиғига катта қоғоз кути қистирган Мажидбой ака кириб келди. У кутини сўрига авайлаб қўйиб, чуқур уф тортди.

— Бахайр! Нима бу? — деб сўради Хожар опа ҳайрон бўлиб. Мажидбой ака ҳайёрона кулимсиради.

— Аввал суюнчининг зўрини чўзиб қўй!..

— Нима? Айтақолинг!

— Э, аввал суюнчини кўрайлик.

— Айтақолинг, одамни тириштирмай! — деди Хожар опа.

— Узинг топ-чи.

— Ёмон эзмасиз-да! — Хожар опа кутига ёпишди.

— Мажлисида сен бўлмадинг-да, — деди Мажидбой ака керилиб. Бир кимлигимни билиб қўярдинг. Ҳа, эрингни нққ бошингга кўтариб юрсанг ҳам камлик қилади, билдингми? Нақ ҳокимнинг муовини: «Илғор сувчи Мажидбой Ғойиповдан ўртак олинглар!» деди. Кейин раисимиз шунақанги мақтадики, мен ўзимманми, йўқми, деб уёқ-буёғимга қараб қўяман. Ҳамма ўрнидан турди, бўлди чапак, бўлди чапак! Кейин мана шуни совға қилишди.

Хожар опа бошини кутининг ичига тикканча зўр бериб титкиларди. Кўтидан тутам-тутам қоғоз чиқар эди холос.

— Бунингизнинг ичида ҳеч бало йўқ-ку! — деди Хожар опа ғижинглаб ва тагин икки-уч сиқим қоғоз суғуриб олди.

Мажидбой ака қўлини шоп қилди.

— Нимага йўқ бўларкан? Кўзми у, пўстакнинг йиртиғими?

— Мана, қаранг!..

Икковлари яна кутини титишга тушиб кетишди. Қутидан бир дунё қоғоз олиб ташлашди.

— Ия, кўтариб келаётганимда зилдай эди-ку? — деди Мажидбой ака гарангсиб.

— Тўхтанг, бир нарса борга ўхшайди! Қўлим каттиқ нарсага тегди.

— Қани, мундоқ қил-чи. Ҳа, бор дедим-ку сенга! Мана! — Мажидбой ака кутидан қўнғироқли соат олди.

Хожар опа тиззасига шапатилади, кейин чапак чалди.

— Вой, ваҳимангизни қаранг-у! Шуми?! Худди тухум қилган хўроздай қақоғлаб оламни буздингиз-ку!

Мажидбой аканинг бир кути учди-ю, аммо ўзини зўрға босди. Белбоғини ечиб терини артди.

— Мукофотнинг катта-кичиги бўлмайди, онаси, — деди кейин пешанаси тиришиб.

Хожар опа эса тобора ловулар, қизариб-бўзариб шанғилларди:

— Кеча-ю кундуз шалоплаб сув кечиб олган матоҳини! Вой худо!.. Ҳа, куруқ қошиқ оғиз йиртар, валдираб мактагандан кўра, мошин беринглар, демайсизми? Мен ҳам тўй-ҳашамларга мундоқ керилибгина бормайманми? Ҳамманинг эри бети елпиштовокдай хотинларини ҳам тўйлардан алчайтириб олиб кетади. Мен шўрлик бошимда тугун, шилқиллаганча шўппайиб келаман. Одам қуриб

кетгандай пешанамга сиздақанги лўккимат эр ҳам битадими! Ўғлингиз бўлса, ўзингиздан бешбаттар!

Далибой хурракни тўхтатиб, лабини осилтирганча инқиллаб ўрнидан турди ва онасига бўри қараш қилиб каравотни нарироққа судради.

— Бас қил, онаси. Тилимни қичитма!.. Ўғлинг ўзингнинг қўйма нусханг. Бир туки ҳам бошқачамас. Сен ҳам шу ёшга кириб бирор ишнинг бошини тутганинг йўқ.

— Ландовурлиги сизнинг ўзингиз-ку!

— Бўлди, қил энди! Валаваланг кулоқни битирди! — Мажидбой ака хотинига ўқрайди.

Хожар опа «тап» этиб сўрига ўтирди ва янаям астойдил жаврашга тушди:

— Бўлди қилмайман!.. Ҳа, нимани гапираётувдим?

— Ўғлингни таърифлаётгандинг.

- Ҳм, ўғлингиз ҳалига довур бирор ишни мондалагани йўқ. Шаҳардаги кўшимиз Миршоди билан ўғлини қаранг. Ота-бола бор-йўғи дўкончада ишлайди холос. Аммо-лекин остонаси тиллодан бўлиб кетган. Миршодидай ўтли йигит менга совчи қўйганда шалпангқулоқ деб кўнмаганман. Мана энди мени кўрса мошинасини папаплатиб ўтади. Ерга кириб кетгудай бўламан. Оҳ, жонимдан тўйдим! Тўйдим! Бирорта, «тила тилагингни», дейдиган одам бўлса, ўзим билардим. Илгариги Хизр бувалар, пайгамбарлар ҳам йўқ ҳозир. Менга қолганда ҳаммаси гумдон бўлган! Шаҳардаги дугоналаримни шу чокқача уйга чақиролмабман-а! Шаҳарда кетимдан юрганлар сочимнинг толасидан ҳам кўп эди. Ҳаммасини қариндош-уруғчилик йўқолмасин деб дадам қилдилар. Бошимга бало бўлиб қандай қариндош чиқиб қолгансиз? Оҳ, «тила тилагингни», дейдиган одам бўлсайди!..

Далибой пашша қўриётгандай қўлини силтаганча бир нималар деб ғўдиллаб қўйди.

Мажидбой аканинг юзи какра чайнаб олгандай буришди, алам билан масхаралаб сўради:

— «Тила тилагингни», деса нима қилардинг? Ўша шалпангқулоғингникига жўнаб қолармидинг?

Хожар опа қўлларини белига тираб, калласини лиқиллатди.

— Маликалардай яшай, дердим, шунақа!

Мажидбой ака қараса бўлмайдиган, бир поғона пастга тушди.

— Дадангнинг васияти бўлмаганда, мен ҳам ўзим билардим... Бўпти, қўй энди, онаси. Барибир Хизр бувалар йўқ, ҳозир айтганингдай.

— Беш кунлик дунё. Ҳамма нарсани кўриб қолиш керак. Сизга тегиб нима кўрдим, а? Нима кўрдим?

Далибой ўрнидан турди-да, тунғиллади:

— Оббо, дам олдиргани ҳам қўймайсизлар. Овоз чиқармай уришсаларинг бўлмайдими? — У тарвайганча кўчага чиқиб кетди.

Мажидбой ака пиқиллаб кулди ва ҳазиллашиб деди:

— Жуда кўп нарса кўрдинг, онаси.

— Нима?! — жон-жаҳди билан чирқиради Хожар опа.

Мажидбой ака бамайлихотир давом этди:

— Кўрганларингнинг санаб-саноғига етиб бўлмайди. Теварагингдаги нарсаларни қара. Ана, дарахтлар, тоғлар, қушлар, одамлар, фарзанд... Ҳай, мошин кўрмабсан, шунга осмон узилиб ерга тушибдими? Ё мошинлик бўлиш учун раисимиз муовинини пойлагани борайликими?

Хожар опанинг қаҳратон қаҳридай чирсиллаган юзи сал юмшаб, қизиқсиниш аломати пайдо бўлди.

— Нимага муовинни пойлагани бораркансиз?

— Роса ғалати гап эшитиб келдим-да, — деди Мажидбой ака овозини пастлаб. — Карим бригадир бор-ку, ўша дала айланиб юрган экан. Макказордан шатир-шутир овоз эшитилибди. Бригадир бировнинг кўйими, эчкисими киргандир, ушлаб олсам бир адабини бераман деб, пойлаб турибди. Овоз яқинлашаверибди. Карим ўзини бир чеккага тортибди-да, този итдай шайланиб турибди. Овоз роса яқинлашибди...

Хожар опанинг сабри чидамади ва эрига яқинроқ сурилиб:

— Э-э, тезроқ гапирсангиз-чи, аччиқ ичакдай чўзмай, — деди зарда билан.

— Ким чўзяпти? — деди Мажидбой ака хотинининг жонига тегиш учун.

— Ким бўларди, сиз-да!

— Бир бошидаи гапиряпман-ку. Карим бригадир дала айланиб юрган экан, дедим. Макказордан шатирлаган овоз эшитилибди...

— Буни айтдингиз. Уф! Ундан кейин-чи?! — Хожар опа бувилиб жиғибийрони чиқди.

Мажидбой ака баттар унинг жиғига тегиш учун бирпас жим турди ва тагин гапни чўзди:

— Овоз яқинлашаверибди. Карим бригадир йўлбарсдай таппа босмоқчи экан, макказордан қўй ҳам эмас, эчки ҳам эмас, Гулойим чиқиб келибди...

Хожар опа адойи тамом бўлди.

— Шуми?! Чикса чиқар! Чиқиб ўлмайдимини!..

— Э, сен гапнинг буёғига кулоқ сол. Гулойим бригадирни кўриб қуёндай хуркиб кетибди-да, бақрайиб қотиб қолибди, билдингми? Карим бригадир индамай бурилиб кетмоқчи экан, тагин шатирлаган овоз эшитилибди. Энди хансираганча раисимизнинг муовини чиқиб келибди, билдингми?

— А? Вой шўрим! Вой шармандалар!! — Хожар опа ув тортиб чапак чалди.

— Бу сафар, — кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб давом этди Мажидбой ака, — Карим қуёндай қотиб қолибди, билдингми? Умрида унақанги аҳволга тушмаган экан. Худди иштонсизга ўхшаб дағ-дағ қалтирармиш. Муовиннинг аҳволига ҳам маймунлар уввос солиб йиғлайдиган эмиш, билдингми? Тўрт қават бағбақасидан шовуллаб тер отилармиш. Бирдан Гулойим хушига келиб, ўйноқлаб ўзини макказорга урибди, билдингми? Шундан кейин Карим муовинга ассалому алайкум дебди. Муовин, нима қилиб юрибсан, бу, маккангнинг ўртаси сийрак-ку, дебди. Каримнинг тили курмакланиб сира гапга қовушмабди. Муовин, майли, менга қара, туя кўрдингми — йўқ. Агар кўрмаган бўлсанг, бу йилги мошин мукофот сеники, дебди-да, индамай кетиворибди.

Хожар опа тиззасига шапатилади, бошини сарак-сарак қилиб деди:

— Вой, бетавфиқлар-ей! Гулойим билан искашиб қопти, денг? Бола-чақали одам-а! Бунақанги бошлиқнинг изини кирвориш керак!.. Ҳай, шу гапни Каримнинг ўзи айтибдими?

Мажидбой ака хотинини қойил қолдирганидан кўкрак кериб деди:

— Ўзи айтганми, бошқами, ишқилиб, шунақа бўлган-да. Шамол эсмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, билдингми? Энди буёғини эшит. Ҳозир беш-олтита одам зора муовинни қўлга туширсагу, мошинли бўлиб қолсак деб, орқасидан пойлаб юрганмиш, билдингми?

Хожар опа гапнинг маъносига энди тушуниб ҳингиллади.

— Кесатмай ўлинг!

— Ахир, оғзингдан чиққани мошин, дабдаба-ку!

— Ҳа, бўпти, қўйинг энди... Анови сўлтаматингиз қайси ғурга гумдон бўлдийкин?

— Юргандир-да, тентиб.

— Отаси, шу, тўғрисини айтсам, сўлтаматингиз одам бўладими, йўқми, ақлим етмай қолди-да.

Шу тобда иссиқдан бўғриққан Далибой кириб келди ва ўзини каравотга ташлади. У онасининг нима деётганини фаҳмлаб, хўшшайиб қўйди. Хожар опа ўғлига бир чимрилди-да, гапида давом этди:

— Ётишини қаранг бунинг. Ҳошим девонадан бир туки каммас-а.

Далибой бир-икки оғир қимирлади, кейин туриб ўтирди.

— Онавой, бизни ўша Ҳошимингизга тенглаштирманг, — деди у гапни тоблаб. — Биз кўчада юрсак ундан узиб кетамиз-ку.

Хожар опанинг энсаси қотди.

— Ҳа, ўзиб кетсанг, кўча эшикнинг ёнини суваб қўймайсанми? Нураб тушганига икки ой бўлди. Ўтган ҳам гапиради, кетган ҳам. Отавойинг даладан бери келмаса, маҳрига дала тушган.

— Э-э, совуқ-ку! — деди Далибой эгини қисиб. — Пишингани бориб сувга тушолмай келдим.

Гапга Мажидбой ака аралашди:

— Баракалла, ўғлим, она ўғли. Ростдан ҳам кеча уч-тўртта одам музлаб қотиб қолибди.

Далибой тескари ўгирилиб, тагин ётиб олди. Хожар опа гап жоловини бошқа ёққа бурди:

- Ҳай, отаси, Роҳатойларнинг иморати битибди, кўрдингизми? Уй эмас, қаср-а, қаср! Ўн иккита хонаси бормиш. Ҳаммаёғини мармарлаб ташлабди. Дарвозаси ўймакор! — у йиғига тушди. — Уф, менинг пешанам шўр экан! Шўр экан!

Далибой кулоғига бармоғини тикиб ёнбошига ағдарилди, оғир пишиллади.

— Оббо, учинчи серияси бошланди, — дея ғудиллади кейин. — Одамни мизғигани ҳам қўйишмайди. Мундай имлашиб уришсаларинг бўлмайдами? Оғиз ҳам чарчамайди.

Мажидбой ака унинг гапига эътибор бермай, хотинига жавоб қайтарди:

— Ҳаддидан ошган тантиқларнинг бурнига бузов солишяпти. Газет ўқимайсан-да. Далада туш пайтларида газетхонлик бўлиб туради... Э, ҳалол ишлаётганимдан бошим осмонда. Шунга шукр қилсанг-чи! Беҳавотирмиз, уйқумиз тинч, билдингми?

Хожар опа пиқиллаб кулиб юборди.

— Айниқса, ановингизнинг уйқуси тинч, — Далибойга имо қилди у. — Ҳой, Дали, Омина холаангникига кириб иккита нон олиб чиққин.

Далибой бу гапдан чўчиб тушди, кейин узоқ керишиб эснади, анча вақт ғингшиди.

— Омина холаангникига? — сўради.

— Ҳа. Омина холаангникига кириб чиққин, — деди Хожар опа.

— Омина холаангизнинг малайингизми, нон ёпиб қўйгани?

— Бўпти, бор, нон ёпсам қайтарамиз.

— Бормийман, итидан кўрқаман, — деди Далибой.

— Ўша мушукболадай итидан кўрқасанми, ношуд?

Мукофотга олган соатини томоша қилиб ўтирган Мажидбой ака орага тушди:

— Ўзинг чиқиб келақол, онаси. Нон ёпишдан кўра бировникидан олиб чиқдан осонроқ-ку. Ўғлинг сувга тушган булкадай хилвираб турибди, йўлда тўкилиб кетмасин тагин.

— Нима? Хўкиздай ўғлим турганда мен чиқаманми ҳаллослаб?

Мажидбой ака уф тортиб:

— Ҳа, майли, Далибой, ўкириб ётавермай чиқиб келақол, — деди.

— Уч сўм берсангиз, — деди Далибой.

Мажидбой аканинг энди аччиғи чиқиб кетди.

— Онангдан сўра! — жеркди у. — Киракашликка ўша ўргатган.

— Хўп, бўпти... бормийман. — Далибой таппа тушиб ётиб олди.

Хожар опа янги усул қўллади:

— Ялқолик қилаверсанг, ҳеч ким қизини бермай қўяди.

Бу гапни эшитган Далибой ётган жойида бир қалқиб кетди. Тош теккан илондай биланглаб ўрнидан турди ва чакқон юришга ҳаракат қилиб чиқиб кетди. Ота, она каллаларини ликонглатганларича орқасидан ғирмайиб қараб қолдилар.

— Қанақа бола бўлди-я бу? — Мажидбой ака хўрсинди. — Нима қилишга хайронман.

— Сизнинг болангиз-да, ўзингизга тортган, — дея чимрилди Хожар опа. — Эсингиздами, хув бурноғи йили белига бойланган арқоннинг учи оёғига ўралганда илон деб ўйлаб икки чақирим додлаб қочиб боргани?

— Э, кимга ўхшаса ҳам нима қилишга бошим қотиб қолди. Ҳеч бир ишни эпложмайди-я!

Кўчадан қўлтиғига битта нон қистирган Далибой ҳансираб кириб келди. У пишиллаганча нонни сўрига қўйди-да, катта ишни дўндириб қўйгандай сўради:

— Ҳов, мана, олиб чиқдим, энди ҳамма қизини берар-а?

— Беради, — деди Хожар опа кесатиб. — Сенга кўзлари тўрт бўлиб, қизларининг сочини тараб ўтиришибди... Битта нон сўрадингми?

— Йўқ, иккита сўровдим. Омина холамнинг ити олдимни тусганди, биттасини ташлаб алдаб қочдим. Боплаб алдадим-да ўзиям, ҳе-хе-хе!..

Эр-хотин анграйиб бир-бирига қарашди.

* * *

Далибой эрталаб кўзини очганда, отаси далага отланаётганди.

— Хўш, полвон, энди нима қилмоқчисан? Далага борасанми?

— Йўқ, уяламан, — дея ғулдиради Далибой кўзларини ишқаларкан.

— Нима иш қиласан бўлмаса?

— Билмайман.

— Шалпайиб юраверасанми? — Мажидбой аканинг жаҳли чиқиб мўйлови уча бошлади. — Самоварчиликдан қочганингга ҳам ўн кундан ошди.

— Э-э, — Далибой қўл силтади.

— Ҳеч бўлмаса, сигирингни олиб чиқиб ўтлатиб кел. — Мажидбой ака бир хўмрайиб кўча томон юрди.

Далибой отасидан осон қутилганига суюниб, тагин анча ётди. Лекин ҳадеб кўзига куёш тушавергач, безор бўлиб ўрнидан турди.

— Дали, чойингни ич, — деди ичкаридан дуррасини дол қўйиб чиқиб келган онаси.

Далибой мушук ювиш қилиб юзини чайди-да, сўрига ёнбошлаб олиб, бамайлихотир роса бир соат чой ичди. Кейин бўйнидан боғлангандай инқиллаб-синқиллаб сигирни етаклаганча чиқиб кетди. У бировларга кўринмаслик учун пасткам йўллар билан эски бедазорга борди ва атрофга анграйганча сигирни етаклаб

ўтлата бошлади. Лекин орадан сал ўтмай зерикди-да, тут соясига бориб ётмоқчи бўлди. Сигирни боғлаб қўйиш учун аланглаб занглаган сопсиз кетмонга кўзи тушди. Арқонни кетмон тешигидан ўтказиб боғлади ва сояга бориб ётди. Бир оз мизғиди ҳам. Бир маҳал алланиманинг жаранглашидан чўчиб кетди. Ўрнидан туриб сигирнинг анча узоқда юрганини кўрди-да, «Ие, боғлаб қўювдим-ку?» деб хайрон бўлди. Далибой ушлаш учун яқинлашганда сигир нарироқ қочди. Шу пайт тўсатдан арқонга боғланган кетмон тошга тегиб жаранглаб кетди. Сигир чўчиб шунақанги шаталоқ отиб қочдики, Далибой оғзини тўлдириб сўкинганча қувишга тушди. Кетмон жаранглашини қўймас, унга сайин сигир баттар шаталоқ отарди. Далибой сигирни кувавериб ўпкаси оғзига тикилди. У сигирни тутолмасди-ю, кетмон чангалнинг томирига илиниб қолиб жонига аро кирди. Далибой арқонни кетмондан чиқариб белига боғлаб олди. Кейин сигирнинг адабини бериш учун бир тепди. Сигир тагин қочди-да, Далибойни судраб кетди. Далибой йиғлагудай алпозда сўкиниб борар, сигирнинг асирига айланганди. Сигир уни роса мола қилиб судради. Далибойнинг тизза, тирсаклари шилиниб кетди. Ахийри, сигир ариқдан сакраб ўтди-ю, Далибой шалопплаб сувга тушди. Сигир Далибойни аривдан судраб чиқолмай тўхтади. Далибой аламдан ҳиқиллаганча уйга караб кетди.

* * *

Мажидбой ака бригадир билан гаплашиб Далибойни қовун полизга қоровул қилиб қуйди. Бу иш Далибойга жуда ёқди. У қовуннинг сарасига роса тўйиб олиб, бетини пашша талаганча кун бўйи чайлада хурракни варанглатади. Далибой дастлаб тунлари кўрқиб юрди-да, аста-секин кўникди. Атрофда сувчилар, шийпон қоровули борлиги унга далда эди.

Бироқ бу ҳам узоққа бормади. Кунларнинг бирида у уйига келиб егулигини белига боғлаганча полизга кетаётганди. Қош қорайиб қолганди. У қишлоқдан чиқай деганда бир тўп болалар учради.

— Ҳа, Дали? — деди Раҳмон исмли бола.

— Полизга кетяпман, — деди Далибой.

— Ўғирликка бормаймизми?

— Кимникига?

— Э, ишинг бўлмасин, — деди Раҳмон сирли қилиб. — Бир жойда олмалар роса пишган.

— Эгаси келиб қолса, мен тез қочолмайман-да, — дея тайсаллади Далибой, болаларга ўлгудай қизиқиб турган бўлса ҳам.

— Вей, тўнғиздан ҳам тез чопасан-ку, — деб кулди Собит. — Ҳов, одамлар сув ичадиган ҳовузда чўмилганимизда Эрназар гадикдан қувғин еганимизда ҳаммадан олдинга ўтиб кетгандинг. Бир разгон олсанг!..

— Майли, Дали, сен пойлоқчилик қиласан, — Собитнинг гапини бўлди Раҳмон. — Кетдикми?

Далибой болаларга эргашиди. Раҳмон уларни сой томон бошлади. Баҳайбат қора тут тагига етганларида Раҳмон тўхтаб, деди:

— Сен, Дали, шу ерда тур. Ухлаб қолмагин тагин. Агар биров кўринса, миёвлаб хабар берасан. Бўптими?

— Бўпти, — пишиллади Далибой.

— Агар кетиб қолсанг, эртага абжаринг чиқади! — Ҳолик муштини дўлайтирди.

Болалар жўнашди. Далибой анграйганча қолди. Орадан анча вақт ўтди. Далибой зерика бошлади. Боз устига, атрофдан турли тунги товушлар эшитилар, дарахт каллакларида уйқусираган қушлар потирлаб чўчитиб юборарди. Далибойнинг

тоқати тоқ бўлиб, секингина чўзиб миёвлади. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади. Далибой тагин узоқ турди. Яна миёвлади. Болалардан дарак бўлмагач, кетма-кет миёвлай бошлади. Жавоб эшитилмагандан кейин овозининг борича миёвлаган эди, олдига тап этиб тошми, кесакми тушди, кетидан ит вовуллади. Далибой шунақанги қочдики, турган жойидан «разгон» олди. Шу қочганча полиздаги чайла олдида тўхтади.

Қаерда юрибсан, аҳмоқ?! — деб бақирди кимдир тўсатдан ва полиздан тошфонар кўтарган шийпон қоровули Исмат бува чиқиб келди.

— Нима?.. Нима?.. — дея ҳансиради Далибой шошилиб.

— Қовунни ўғирлаб кетишди-ку! Ўғирлагани ҳам майли, ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлашибди, ярамаслар!

— Ким экан?

— Э, уч-тўртта боланинг қорасига кўзим тушди.

Далибой лабини тишлади. Бояги болалар ўзини қоровул қилиб қўйиб, қовунларни ўмариб кетишганини тушунди.

Бригадир-у, ота-онасидан эшитган гапларни илон эшитса, етти қават пўст ташларди. Лекин Далибойнинг териси ўта қалин эди, ишдан ҳайдалгач, уч-тўрт кун уйдан қочиб, кечаси томга чиқиб ётди, холос. Шундай бўлса-да, чеккан ранж-у аламлари учун Раҳмондан ўч олишга қаттиқ бел боғлади. Ўйлай-ўйлай, ахийри, Раҳмонларнинг чорбоғидаги узумларни ўғирлаб таъзирини бермоқчи бўлди.

Карим деган ўртоғини топиб ишга солди. Икковлари қоронғу тушишини кутиб юрдилар-да, Раҳмонларнинг далага туташ чорбоғига қараб жўнадилар. Осмонда ола-чалпоқ булутлар орасидан дам кўриниб, дам яшириниб ой сузар, жўр бўлишиб чирилдоқлар чириллар, бамисоли шарпадай кўршапалаклар учиб қоларди.

— Далибой, келишиб олайлик, — деди Карим, чорбоққа яқинлашганларида. — Овоз чиқариб гаплашиб бўлмайди. Шунинг учун узумни узиб бўлишим билан секин хуштак чаламан. Ёнимга келасан, хўпми? Сен хуштак чалсанг, мен бораман.

— Хўп, — деди Далибой қўлидаги пахта териладиган этакни ғижимларкан.

Улар чорбоққа бориб, деворнинг итлар ошавериб кемтик қилиб қўйган жойидан ўтишди. Карим ўнг тарафга қараб юрди, Далибой эса бир пайтлар кўрган хусайни томонга, у хусайнини ўлгудай яхши кўрарди. Далибой этакни бўйнига осди-да, узум узишга киришди. Лекин энди икки-уч бош узган эди ҳамки, хуштак овози эшитилди.

- Ҳа, Карим, шошилма! — деди Далибой. Аммо жавоб бўлмади. У Карим кетган томонга юрди. — Ҳа, Карим?

— Эшак! — деб бақирди кимдир ва кўкқисдан Далибойнинг қулоғи тагига шарақлатиб туширди.

Далибойнинг мияси зинғиллаб кетди. Урган одам Раҳмоннинг отаси эди. Далибой жон ҳолатда ўзини четга отди, девордан ошиб ўтди ё учибми, ўзи ҳам билмайди.

Кейин маълум бўлишича, уларнинг хуштак ҳақидаги маслаҳатини Раҳмоннинг отаси эшитиб турган ва хуштакни ҳам ўша чалган экан.

* * *

Уйда димиқиб ота-онасининг дийдиёсидан зериккан Далибой анҳор бўйига қараб кетди. Анҳор ҳамманинг суюкли жойи эди. Ёз келди дегунча болалар анҳорга интилишарди. Лим тўлиб оқувчи бутана сувда ияклари кўкариб чўмилишар, қирғоғида турли ўйинлар ўйнашарди. Сувга бош эгган қари толлар-у баҳайбат бақатераклар қушлар макони эди. Далибой айланиб юриб, негидир ўртоқларини учратолмагач, муздай ажриқзорга ёнбошлади. Жимиб оқаётган сувга қараб ётиб

мудрай бошлади. Лекии узоқдаи келаётгаи бир қизнинг қорасиини кўрди-ю, кўзлари чарақлаб очилди. У синфдоши Назокат эди. Назокат қадамига мос оҳангда ашула айтиб келарди. Далибой оғзини ланг очганча ашула эшитаркан, инқилаб ўрнидан турди. Кейин қизга бир хунар кўрсатмоқчи бўлди-да, хурсанд илжайиб қўйди. Назокат ҳали кўрмаганига ишонч ҳосил қилгач, панага биқиниб олди. Қиз ҳеч нарсадан беҳабар, бепарво келар, шабада турмакка кирмаган сочларини хилпиратиб ўйнар эди. Қиз яқинлашиши билан Далибой панадан лапанглаб отилиб чиқди. Назокат қаттиқ кўркқанидан чинқириб юборди. Далибойнинг эса оғзи қулоғида, ўхў-ўхўлаб, силкиниб кула бошлади.

— Ҳа, одам бўлмай кет! — жеркиди киз. — Сенмидинг, қилиғи совуқ?

— Ху-ху-ху!.. — Далибой эшилиб кулди. Кейин ҳазилини давом этдирмоқчи бўлди. — Кўзингга кўлимни тикиб олайми? Тикиб олайми? А, а? — у икки бармоғини қизга ўқталди. — Тикиб олайми?

— Нима? Нега кўзимга кўлингни тикиб оларкансан? Ҳозир бир тушираман, уч кун ётасан аялаб! — Назокат унинг устига бостириб борди.

Далибой эгнини қисиб, қўллари билан бошини пана қилди.

— И-и-и! Ўлдириб қўясан! — дея қичкирди у.

— Ҳей, рўдапо, бу нима қилганинг, а? — деди Назокат.

— Ҳеч нарса, ху-ху-ху, ҳазиллашдим, — деди Далибой.

— Нимага ҳазиллашасан?

— Ху-ху, ҳазиллашгим қистаб қолди-да.

Назокат ҳандон ташлаб кулиб юборди. Силкиниб-силкиниб узоқ кулди, кўз ёшларини артди.

— Ҳазилинг шуми? — деди кейин. — Жинни бўлиб қолибсан деб ўйлабмаи. Нақ юрагимни ёраёздинг-а, Дали полвон.

— Ҳа, энди, ихм... — Далибой каловланди.

— Асал излаётган айиққа ўхшаб нима қилиб тентиб юрибсан?

— Салқинлаяпмиз-да. Бир пишиниволай десам, совуқ экан, кўлимни тикиб кўрдим.

— Ишга бормадингми?

— Ҳозир бекорчиман.

— Тагин-а? Тагин қандай жин урди?

— Ҳайдаворишди, — деди Далибой оёғининг учи билан ер чизиб.

— Ие, нимага? Ҳатто шу полизга қоровуллиқни ҳам эпполмадингми? — укасига муомала қилаётгандай гапирди Назокат. — Қани, ўтир-чи. Нимага ҳайдашди?

— Ҳа, энди...

— Қовунларни ўғирлативордингми?

— Шу...

Назокат ачиниб бош чайқади.

— Бўкиб ухлайвергансан-да. Хамирдай кўпчиганингни қара.

— Ухлаганим йўғ-е! — деди Далибой.

— Нима қилдинг бўлмаса?

— Узим ўғирлаб қўйдим.

Ҳайрон бўлганидан Назокатнинг кўзлари катта-катта очилди. Кўзини тўсаётган сочини сўриб, Далибойга тикилди.

— Вой, тавба! Ҳали ўғирлик қилиш ҳам кўлингдан келадими?

— Йўғ-е, билмай ўғирлаб қўйдим-да! — Далибой пешанасини тириштирди.

Билмасдан ҳам ўғирлайдими? Барибир ўғрисан! — Назокат шартта туриб кетмоқчи бўлди.

- Тўхтагин...
- Нариги тур, ўғри!
- Ўғримасман! Шошмагин, айтиб бераман.

Назокат қайтиб ўтирди.

- Хўп, гапир.

Далибой бир ютини олиб бор гапни айтиб берди.

— Вой, лапашанг, латта-ей! Роса майна бўлибсан-ку, а! — Назокат афсус билан бош чайқади. Бир зум жим қолди. — Лекин, биласанми, сенга раҳмим келади.

Далибой қизга ялт этиб қаради. Кейин оғзининг таноби қочиб илжайди.

— Унда... ҳалиги... менга тегақолгин-а, — деди секин ерга қараб. — Ке, йўқ дема!

Қиз бир сапчиб тушди ва қип-қазариб қичкирди:

- Нима?! Қоч-е, уятсиз!

Далибой эса унга ялинчоқлик билан тикилди.

- Хўп дегин!

— Ростдан ҳам жиннимисан, нима бало? — деди Назокат. — Бор-бор, тошингни тер!

- Келақол, а! — Далибой баттар ялтоқланди.

- Ҳов, сенга ҳам биров тегадими, а? Сенга-я?!

Далибой мултайиб:

- Нима қипти менга? — деди.

— Доим оғзингдаги ошингни олдириб юрасан-у. Ландовур, лапашанг, ялқовсан, — қиз юмшади. Қўллари орақасига тираганча осмонга боқди. Юзида беғуборлик акс этди, чиройли кулгичлари чуқурлашди. — Сенга хайронман-да, Дали. Мана, бошқа синфдошларимизни қара. Туппа-тузук ишлаб юришибди. Кўпчилиги катта жойларда ўқишяпти. Сен қилиб юрган ишларни қара! Эсласам, кулавериш нақ ичагим узилаёзди.

Далибойнинг чеҳраси ёришди.

— Ке, унда менга... — дея ютинди у. — Сира уришмайман. Агар уришгим қистаб қолса, кулдириб ичагингни узиб қўяқоламан. Хўпми? Ке...

- Э, олдин мундай одам бўл! Дунёда бирор орзу, мақсадинг борми ўзи?

- Бор, — деди Далибой яланиб.

- Нима?

- Сен!

- Ҳе, жинни! Али десам, бали дейди-я!

- Нима қилай ахир? — деди Далибой астойдил. — Қадримга етишмаяпти.

— Қадрингга ўзинг етмаяпсан. Топган ишларингни қара. Қоровулчилик ҳам ишми йигит кишига. Самовар- чи...

Далибой бош эгиб жим қолди. Кейин секин, маслаҳатомуз сўради:

- Нима қилсам экан-а?

— Ана, бизнинг фермага бор, — деди қиз. — Ўзимиз тенгилар ишлайди нукул. Сира зерикмаймиз, ўйин, кулги. — Назокат Далибойнинг елкасига туртди. — Ҳей, борсанг зўр бўларди-да! Ўзим оталиққа оламан.

— Нима? Қиз бола бўлиб туриб оталиққа оласанми? Оналикка олмайсанми? — Далибой қиз масҳара қиляпти деб ўйлаб, бузарди.

— Ҳа, майли, холаликка оламан, — деб кулди Назокат. — Лекин мен ҳазиллашаётганим йўқ.

- Нима иш қиламан? — деб сўради Далибой ўйланиб.

- Сигир соғасан.

Далибой бир қалқиб кетди ва ғижиниб:

— Масҳаралама, ҳов! — деди. — Энди сен етмай турувдинг. Шунинг учун холаликка оламан деяпсан экан- да? Йўқ, бормайман. — Уйдаги битта сигир ҳам етиб турибди, — унинг эсига сигир билан бўлган «жанг» тушиб қолганди.

— Э, барибир одам бўлмайсан! — Назокат энсаси қотиб қўл силтаганча кетдиворди.

Далибой қизнинг орқасидан термилганча лаллайиб қолди.

* * *

Мажидбой ака ҳовлида кетмон эговлар, ҳар замон-ҳар замонда тигини гоҳ кўзига яқинлаштириб, гоҳ узоқлаштириб текшириб кўрарди. Далибой сўрида осмонга қараб гумбаздай бўлиб ётарди. Қуёш тафти қайтган, мудроғи таркаган қушлар бири-бирига гал бермай чирқиллаша бошлагандилар. Қўққисдан кўча эшик тарақлаб очилиб, Хожар опа кириб келди. У ҳансираганча ҳе йўқ, бе йўқ, қўлидаги тугунчасини ғазаб билан отиб юборди.

— Дод-дод! Вой-дод! — у чинқирганча юзини юла кетди. — Лўккиматлар дастидан дод! Вой, мен шўрпешана!

Мажидбой ака хотинининг феълини жуда яхши билса ҳам шошиб қолди, ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, нима бўлди? Тинчликми?

— Ўл бўлди! Бало бўлди! Кетаман! Бошимни олиб кетаман! Тамом! Шалвирашда тошбақага даре бериб юра- веринг! Ипирисқи, ландавур, лаванглар!

— Нима, арпангни хом ўрдимми? Гапир, етти маҳаллани бошингга кўтармай!

— Отамисиз ўзи, отамисиз?

— Ҳа, ота бўлмай нимаман?

— Ўғлингизни уйлантиришни ҳам ўйлайсизми сира?

— Нимага ўйламас эканман. Уйлантириш ҳар бир ота-онанинг бурчи. Олдин мундай одам бўлсин, бирор ишнинг бошини тутсин. Уйлантирамиз. Бу аҳволида хотинни қандай боқади?

Хожар опанинг афти буришиб, тишлари ғичирлади. Такаббурона истехзо билан деди:

— Уйлантирамиз эмиш! Нимангизга уйлантирасиз?

— Ҳа, битта тўй қилишга қурбимиз етмайдими? Эл қатори тўй қиламиз-да.

Хожар опа эрини калака қилиб чапак чалди.

— Эл қатори?! Ҳай, эл қанақанги тўй қилаётганни биласизми ўзи? Мана, бугун Икромнинг тўйига борганингизда кўрардингиз. Даладан бери келмагандан кейин балони билармидингиз? Келинга қилинган сарпони юз йил шалошлаб сув кечиб ҳам тополмайсиз! Учта қўй берибди. Ҳар бири ҳўкиздай, йўқ, туядай...

— Филдай деб қўяқол.

— Э, ундан ҳам катта!.. Ҳар гиламлар, ҳар гиламлар!..

— Хотин-хотин! — деди Мажидбой ака босиқлик билан. — Улар мақтаниш учун чираниб қийналади, холос. Шунча мол, дунё топишнинг ўзи бўладими? Қилишнинг дами устида юрагини ҳовучлаб юрган, бир чўкиб, минг аланглаган. Келин-куёв бахтли бўлишсин, ишқилиб. Муроса келишмаса, мингта қўй-у гиламинг сариқ чакага ҳам арзимади.

— Мени ёш бола қилиб алдаманг! Бунақа гаплар кекирдагимга келган. — Хожар опа нафасини ростлаш учун сўрига бориб ўтирди.

Уйланиш ҳақидаги гапни эшитган Далибойнинг оғзи кулоғида, бамисоли куёвлардай сузилиб илжарди. Кейин у тарвайиб ётаверишни ўзига эп кўрмади

шекилли, ўрнидан турди. Омборхонадан болға билан мих топиб чикди-да, оёғи ликиллаб қолган курсини тузатмоқчи бўлди.

- Нима киялпсан? — сўради Хожар опа ўғлига хўмрайиб.

— Шуни тузатиб қўй, оёғи ликиллаб қолибди, — деди Далибой.

— Ўв, тузатганинг билан ит баҳра олармиди? — дея лабини бурди Хожар опа. — Ўтин қилиб ёқвориш керак. Яхшиси, бузиб ташла алмисовдан қолган нарсани.

— Нимага бузади? — деди Мажидбой ака ғижиниб. — Янгини эски тутати. Алмисовдан қолганми, бошқаданми, бир одамни кўтаради. Ҳадеб унақа ношукрчилик қилаверма! Нимага жанжалнинг уясига чўп тикасан? Ўғлингни ишга солиш ўрнига вариллайсан!

Хожар опа ўрнидан даст туриб қўлини шоп қилди.

— Ҳих, авайлаган матоҳини! У-ув, мундай бошқаларнинг туриш-турмушини кўряпсизми? Ё рўзадан бошқасига кўзингиз ўтмайдими? Одам яхши еб-ичиб, кийиб яшамаганидан кейин нима учун ишлаш керак, а? Нима учун ўлиб-тирилиш керак? Кеча Икром шунақанги мебель обкелдики, тўртта давангирдай одам бир кун қора терга ботиб ташиди. Мен дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетяпман! Ҳамма нарса кундан-кунга қимматлашаётган бўлса.

Мажидбой ака ичиб турган чойини сепиб юборди.

— Ҳов, хотин! — деди кейин қўлини пахса қилиб. — Менинг топганим шу! Валаваланг жонга тегди. Шунчалик орзу-хавасинг бор экан, ишласанг ўласанми?

Хожар опа тиззасига шапатилаб ув тортди.

— Вой, қаерда ишлайман, қаерда? Дод-дод! — Хожар опа баттар авжига чикди. — Ҳамма эшитсин! Хотин боқолмай қолганингизни етти маҳалла билсин! Дод!..

— Нима, сен молмисанки, биров боққани? Ҳатто мол ҳам хашагини ўзи топиб ейди.

Далибой афтини буриштирди ва хавотирланиб кўча эшик томон қаради.

— Қўйинг, ая.

— Оғзингни юм, лакалов! — қичқирди Хожар опа. — Ув, менга ақл ўргатадиган бўлиб қолибди. Ҳих!

Мажидбой ака тутоқиб бармоқларини чангак қилди ва хотинининг устига бостириб борди.

— Ҳов, хотин, оғзингни юм яхшиликча! Кекирдагингни чўзаверма ҳадеб! Ҳозир нақ!..

Шу пайт тўсатдан кўча эшик тақиллаб қолди. Ҳаммалари жим бўлишди. Эшикдан аллақандай нотаниш одам мўралади.

— Келаверинг, — деди Мажидбой ака.

Нотаниш одам бир-бир босиб якинлаша бошлади. Меҳмон бу атроф одамига ўхшамас эди. Сочлари қув оқарган, пешанасини ғиж-ғиж ажин босганди. Меҳмон ўткир чағир кўзларини уй эгаларига тикди-да, саломлашди. Мажидбой ака у билан кўшқуллаб кўришди.

— Келинг, келинг! Қани, буёққа ўтсинлар. — Уни сўри томон бошлади.

— Раҳмат, ўтирмайман, — деди меҳмон ва бироз сукут сақлади. — Ҳм, мен олимман.

— Июв! — ҳитоб қилди Далибой хайратдан бақрайиб.

Меҳмон чуқур «уф» тортди:

— Мен жуда кўп, машаққатли меҳнат эвазига бир ғалати аппарат яратдим, — деди.

— Сут соғадиган аппаратми? — сўради Далибой шошиб.

— Йўқ, мутлақо бошқача аппарат. Бу шундай аппаратки, одамнинг ҳар қандай талабини рўёбга чиқаради...

Хожар опа бир қалқиб кетди.

— Ёпирим-ей!

Мажидбой ака ҳеч нарса тушунолмади каловланди.

— Шундан кейин ўзини энг бахтсиз деб ҳисоблаган одамни бахтиёр қилмоқчи бўлдим, — давом этди олим. — Аппарат бутун вужуди билан, жон-жаҳди билан тилак тилансагина ишлайди. Лекин одамлар ҳозир қандайдир лоқайд бўлиб кетишибди, ҳеч нарсага қаттиқ ишонмайдилар. Ахтара-ахтара шу ҳовлидан аппаратбоп овоз эшитиб қолдим.

Хожар опа ўзини қуярга жой тополмай:

— Вой, пайғамбаримизга йўлиқдик! — деди. — Вой, парвардигор!

Олим унга йўқотган нарсасини топгандай қаради. Мажидбой ака меҳмоннинг кўлидаги аппаратга тикилди.

— Тушунмадим-да, меҳмон, — деди кейин бўшашиб.

— Аппаратни синаб кўрганингиздан кейин тушуниб оласиз, — жавоб берди олим.

— Тилагимиз хаёлда рўёбга чиқадими? — деб сўради Далибой.

— Йўқ, амалда, - деди олим. — Аппарат ой нури билан ишлайди. У ҳар бир одамнинг фақат биттагина тилагини бажаради. Шунинг учун бир мартадангина тилак тилайсизлар. Манг, — у аппаратни Хожар опага узатди.

— О, пайғамбаржоним! Менинг тилакларим тўлиб- тошиб ётибди-ку! — дея чирқиллади Хожар опа, аппаратни маҳкам бағрига босиб.

— Фақат биттасини тилайсиз, — деди олим қатъий. Кейин Мажид бой ака билан Далибойга юзланди. — Сизлар ҳам. Тилакларинг борми ўзи?

— Ҳа, энди хотиннинг тилини сал... дегандай, ёмон бўлмасди, ихм, — дея чайналди Мажидбой ака.

Далибой ийманибгина:

— Менда ҳам битта бор, — деди — Назокат деган, ҳў-ҳў...

— Хожар опа шошиб уввос солди:

— Мен дунёда энг бебахт эдим! Мендан шўрпеша- нароқ одам йўқ! Сизни манови лакаловга текканимдан бери кутаман, пайғамбаржоним! Дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетяпман! Мени бахтли қилинг, пайғамбаржон ака!

— Ой чиққанда аппаратга айтасиз, — деди олим. — Уни ниҳоятда авайланглар. Бутун умримга тенг-а у!.. Хайр, — олим орқасига қарай-қарай чиқиб кетди.

Ҳамма ҳайратдан бақрайиб қолганди. Биринчи бўлиб Хожар опа ўзига келди ва аппаратни кўзига суриб ўпа бошлади.

— Ғалати бўлди-ю! — деди Мажидбой ака қўлларини бир-бирига ишқаб.

— Тушимизми, ўнгимизми? — дея эгини қисди Далибой.

Хожар опа эса аппаратни бағрига босганча:

— Тунлари мижжа қоқмай мук тушиб худодан тилаганимга ўзининг раҳми келди! Оҳ, кўнглим сезарди-я, сезарди! — дерди у тинмай. — Оҳ, энди нима қилишимни ўзим биламан!

Мажидбой ака уни масхаралаб кулди:

— Ҳе-хе, ўша қандайдир темир-терсак унинг тилагига етказармиш...

Хожар опа эса аппаратни кўтарганча бетоқат эди. Қоронғу тушиб қолганди. Беғубор осмонда юлдузлар милтиллаб бошлади. Енгил шабада туриб, девор тагига икки қатор қилиб экилган макка пояларини шилдиратди.

Далибой отасининг ённга борди.

— Аям тентак бўлиб қолмасайди, — деди у.

— Ўзи азалдан тентак эди, — деди Мажидбой ака.

— Ростдан ҳам мўъжиза юз берса-я?.. Ахир ўзингиз айтиб берган эртакларда ғаройиб воқеалар бўлган-ку?

— Э, эртак — эртак-да...

Шарқ томон оқариб келарди. Унга сайин Хожар авжга чиқар, сабри чидамаганидан оғир харсиллаб уёқдан буёққа диконглаб чопар эди.

— О, худойим! — дея чинқирди у. — О, ой! Чик тезроқ! Қасрлар!.. Им-м-м!..

Мажидбой аканинг энсаси қотиб масхаралади:

— Ой ҳам кўринса, кўринақолсин. Ғингшийвериб жонга тегдинг. Ҳалиги одам роса похол солиб кетди-да. Ҳар куни чинқиравериб ҳаммани безор қилганингга бир оғзингни қулфлаб қўймоқчи бўлган, ҳа.

Шу пайт Хожар она дахшатли хайқириб юборди. Уфқда ой нур сочди.

— Кўринди!!! О, худо! Аппарат! Мен маликалардай қасрда яшай!! Дунёдаги энг бой хотинга айланай!!

Тўсатдан мўъжиза рўй берди. Баланд-паст, чинкироқ- бўғик, мунгли, дахшатли овозлар ҳаммаёқни тутиб кетди. Ховлинн минг хил нур, ранг чулғади. Нур орасидан тахтиравон кўтарган, шоҳзодаларга ўхшаб кийинган икки йигит пайдо бўлди. Улар Хожар опани тахтиравонга ўткизиб кўтардилар. Хожар бемалол ястаниб ўтирар, маховати оламни тутгудай эди. У йигитларга буйруқ берди.

— Икромларнинг кўчасига қараб юринглар, хотини бир кўриб қўйсин! Куйиб ўлсин!

Йигитлар йўлга тушдилар. Хожар опа эри билан Далибойга мағрур назар ташлади. Ота, ўғил беҳуш бақрайиб қолдилар. Осмонда кумушдай тўлин ой сузар эди. Атроф жимжит, гўё ҳеч нарса рўй бермаганга ўхшарди. Бироқ Хожар опа ғойиб бўлганди. Мажидбой ака хушнга келгандан кейин ҳам анчагача ўзини ўнглай олмади. Фақат ҳовли ўртасида қолган аппаратга кўзи тушгач, воқеани тасаввур қилди. Ялангоёқ югуриб борди-да, аппаратни бағрига босди ва титраб-қақшаб ҳитоб қилди:

— Ўҳ, қон қақшатиб кетди! Шунча йил бирга яшагандик, аччиқ-чучукни бирга тотгандик! Ҳе, ўша дабдабани ўйлаб чиқарганининг падарига минг лаънат! Вой, юрагим ёрилиб кетади! Тилак тилашга ҳам тилим бормаяпти, — Мажидбой ака бирпас жим қолди. Кейин ютиниб, қаҳр билан деди. — Эй, аппарат, Хожар одам эмас, алвастига айланиб қолсин!..

Юқоридаги ҳол такрорланди. Мажидбой ака тахтадай қотиб турарди. Атроф тўс-тўполон бўлиб кетди. Беҳосдан бўғиқ аччиқ кулги эшитилди. Кўча эшик тарақлаб очилиб, ҳаммаёғи тилинган, сочлари тўзғиган, кийимлари исқирт Хожар опа балою қазодай кириб келди. У қаҳр билан қаҳ-қаҳ уриб, ўзини эрининг устига отди. Эр-хотин думалаб кетди. Мажидбой ака ҳириллар, Хожар опа унинг юзини юлиб чинқирарди. Уларни ажратиш учун чопиб борган Далибой туйқус уч қадамча нарига учиб тушди. Ниҳоят, Хожар опа ҳолдан тойди, Мажидбой ака амаллаб ўрнидан туриб олди.

— Ҳозир сени еб ташлайман! — дея дахшатли хайқирди Хожар опа. — Мен алвастиман! Мен одаммасман!! Сени бурдалайман! Их!! — у бармоқларини чангак қилиб эрига отилди.

Мажидбой ака қўллари билан юзини пана қилганча орқага тисланди.

— Йўқол, алвасти!! — деди оғир харсиллаб.

— Ваҳ-ҳа-ҳа! Бўғиб ташлайман! Қонингни ичаман!

— Кет, кет, алвасти!..

Мажидбой ака холпиллаганча ўзини кўча эшикка урди. Хожар опа унинг ортидан қувиб кетди. Далибой нима қиларини билмай гезариб турарди. У ўқраганча йиғлаб юборди.

— Қандай кунларга қолдик, а? — деди у ҳиқиллаб.— Даҳшат! Энди нима қилдим, а?

Далибой аппаратни кўрди-ю, кўзлари чарақлаб очилгандай бўлди. Югуриб бориб аппаратга ёпишди. Шоша-пиша тутоқиб бидирлади:

— Эй, аппарат, ота-онам қайтиб келишсин! Ҳаммаси ўз ўрнига тушсин! Илгаригидай бўлсин! Илгаригидай!..

Гумбурлаган овоз эшитилди, аввал атрофни қоронғулик қоплади ва юқоридаги мўъжизавий ҳол юз берди. Нурлардан Далибойнинг кўзи қамашди. У кўзини очганда ҳамма нарса ўз ўрнига тушганди. У шахд билан бориб аппаратни кўтариб ерга урди. Аппарат пачоқ-пачоқ бўлиб кетди, соч толаларидай сон-саноқсиз симлар учи отилиб чиқди. Далибой аппарат синиқларини тоғорага солганча кўчага югурди ва тоғора-поғораси билан сойга улоқтирди.

Қайтиб келганда Хожар опа тиззаларини қучоқлаганча миқ этмай ўтирар, Мажидбой ака унга ўкрайиб-ўкрайиб қараб кўярди. Мўъжиза тушларида рўй берди-ми, ўнгларидами, ҳеч кимнинг ақли етмасди. Лекин улар узоқ вақт бир-бирларига ғалати қараб юришди. Сир сирлигича қолиб кетди... Аммо шундан сўнг бу хонадондан Хожар опанинг хунук чинқириқлари эшитилмайдиган бўлди.

**Ёзувчи Ориф Фармон
“Ёввойи одам” китобидан**